

У қандай яхши вакил



10:30 / 23.05.2025 1322

Авф ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки киши ўртасида ҳукм қилдилар. Зарарига ҳукм қилинган киши кетаётиб:

لَيْكَ وَلِإِمْعَانٍ وَهُوَ لَيْلِي بِسَح

«Ҳасбияллоҳу ва ниъмал вакийл» деб айтди. Шунда «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ таоло ожизни маломат қилади. Сен кучлиликни маҳкам тут. Агар сен ёқтирмайдиган бирор иш содир бўлса, «Ҳасбияллоҳу ва ниъмал вакийл», деб айт»,** дедилар».

Маъноси: Аллоҳнинг Ўзи менга кифоя қилади. У қандай яхши вакил.

Абу Довуд ривояти.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан

Таржимон Анвар Аҳмад

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.